

**“Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти**  
**акциядорларининг 2021 йил якуни бўйича умумий йиғилиши**  
**1-сонли баённомаси**

2022 йил 24 март соат 11-00

Навоий шаҳри, ишчилар қўргони 3 уй

**Йиғилиш раиси:**

Ғ.Я.Каршибоев–кузатув кенгаши раиси

**Иштирок этганлар:**

“Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари  
(рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)

Жами овоз берувчи акциялар 935 593 (тўққиз юз ўттиз беш минг беш юз тўқсон уч) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 775 411 дона. Йиғилиш кворуми 82.8 фоиз.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди.

Кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги биринчи масала бўйича, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очик овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

<b>Т.Р.</b>	<b>Фамилия, исми ва шарифи</b>	<b>лавозими</b>
1	Санақулова Наргиза Рўзиқуловна	“Навоийдонмахсулотлари” АЖ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ҳисобчиси
2	Мўминова Гулчехра Абдурасуловна	“Навоийдонмахсулотлари” АЖ маркетингологи
3	Эргашова Альфия Равильевна	“Навоийдонмахсулотлари” АЖ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ҳисобчиси

**Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.**

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги иккинчи масала, яъни умумий йиғилишни олиб бориш кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танафуссиз яқунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. **Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

**Қуйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:**

1. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида.

2. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш.

3. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда жамиятнинг 2022 йилга белгиланган устувор вазифалари тўғрисида.

4. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича бошқарув раисининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш тўғрисида.

5. “Навоийдонмахсулотлари” АЖ фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳамда жамиятнинг **9 360 ,650** млн.сўм соф фойдасини тегишли фондларга, жамиятнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ва дивиденд тўлашга йўналтириш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда акциядорлар муҳокомасига киритиш тўғрисида.

6. “Навоийдонмахсулотлари” АЖ фаолиятининг 2021 йил яқунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи ва унинг 2022 йил учун таркибини сайлаш тўғрисида.

7. “Навоийдонмахсулотлари” АЖ 2022 йил учун кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

8. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг 2021 йил фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини эшитиш ва маълумот учун қабул қилиш тўғрисида.

9. “Навоийдонмахсулотлари” АЖ Бошқаруви раисининг меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш тўғрисида.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПК-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2021 йил якуни бўйича корхонанинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалари бўйича директори ҳисоботини эшитиш.

11. Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, импорт харидларини,

шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини эшитиш.

12. Корпоратив бошқарув Кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган “корпоратив фаолиятни баҳолаш” бўйича хулосасини эшитиш.

13. “Навоийдонмахсулотлари” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини 2021 йил якунлари бўйича тақдирлаш тўғрисида.

Шундан сўнг, йиғилиш раислигига Ғ.Каршибоев, котиблигига жамият ҳуқуқшуноси Д.Хидиров номзодлари таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига кузатув кенгаши раиси Ғ.Каршибоев, аъзолари бошқарув раиси Ш.Шарипов ва бош ҳисобчи О.Йўлдошевлар номзодлари таклиф этилди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси Ғ.Каршибоев сўзга чиқиб, 2021 йил давомида ўн бир маротаба кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши ўтказилганлиги, шунингдек, ушбу йиғилишларда жамият фаолияти билан боғлиқ ҳамда жамиятнинг янада ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб олинганлигини гапириб ўтди (кузатув кенгаши ҳисоботи ёзма равишда илова этилади).

**Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан 2021 йилда жамият фаолиятига раҳбарлик қилган Ш.И.Шарипов сўзга чиқиб, “Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида бажарилган ва амалга ошмай қолган барча ишлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан, жамият бош ҳисобчиси О. Йўлдошев сўзга чиқиб, бошқарув томонидан жамият даромадини ошириш борасида аниқ, режали чора-тадбир амалга оширилганлиги боис ўтган 2021 йил фаолияти натижалари қониқарли якунлаганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, жамиятнинг ўз маблағлари ва акциядорлик жамияти мажбуриятлари унинг актив манбайи бўлиб, уларнинг ҳисоб рақамларида акс эттирилиши бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мос келиши, баланснинг

халқаро талабларга мос ҳолда юритилиши якуний молиявий натижаларнинг тўғри аниқланишига асос бўлиши, ўтказилган таҳлил ва текширувлар натижасида жамият бухгалтерия балансининг ошкоралиги таъминланганлиги ҳамда мазкур ҳолатни жамиятнинг 2021 йилги молиявий натижаларини текширувидан ўтказган **“Perfect Audit”МЧЖ** аудит ташкилоти хулосаларида ҳам ёритилганлиги маълум қилинди.

Шунга мувофиқ, “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти 2021 йил молиявий ҳўжалик фаолиятини **9 млрд. 360 млн. 649 минг 533 сўм 51** тийин молиявий натижа билан якунлаган.

Жамият фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда 9 млрд. 360 млн. 649 минг 533 сўм 51 тийин соф фойдасини:

2 фоизини – 187 млн 213 минг.сўмини меҳнат муҳофиза қилиш фондига йулнатирилсин;

68 фоизини– 6 млрд. 365 млн. 242 минг.сўмини ишлаб чиқариш ривожлантиришга йулналтирилсин;

30 фоизини – 2 млрд. 808 млн. 195 минг.сўмини дивиденд тўлашга йўналтириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди;

Ҳар бир имтиёзли акцияларнинг бир донаси учун 800 сўмдан жами 1 млн. 250 минг 400 сўм ҳамда ҳар бир оддий акциялар учун 3000,1768 сўмдан жами 2 млрд. 806 млн. 944 минг 413 сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган (2022 йил 30 мартдан 2022 йил 30 майгача) муддатларда амалга оширилишини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу бешинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қўйидагича:*

т/р	тарafdорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан, тафтиш комиссияси аъзоси И.Асадов сўзга чиқиб, 2021 йил давомида жамиятда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. У эришилган ютуқлар билан бирга 2021 йил бизнес режасига нисбатан айрим кўрсаткичлар бажарилмаганлигига тўхталиб, жорий йилда бу каби хатоликларга йўл қўймаслик учун жамият бошқаруvidан амалий чоралар кўриш талаб этилди.

Шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда 2022 йилга комиссия аъзолари таркиби йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига тақдим этилди.

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги олтинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериши натижалари қуйидагича:*

т/р	тарafdорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411, (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили туганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга кўйилди:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими	тарafdорлар	қаршилар	бетарафлар
1	Каршибоев Ғафуржон Яхшибоевич	“Ўздонмахсулот” АК Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи	775 411	йўқ	йўқ
2	Исмаилов Акрамжон Ҳошимович	“Ўздонмахсулот” АК дон ва уруғлик тайёрлаш бошқармаси етакчи мутахассиси	775 411	йўқ	йўқ
3	Шалов Достмаханбет Жумашевич	“Ўздонмахсулот” АК дон махсулотларини қайта ишлаш ва махсулотларнинг янги турларини жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси	775 411	йўқ	йўқ

4	Ғаниев Шерзодбек Шухрат ўғли	“Ўздонмахсулот” АК етакчи ҳисобчи	775 411	йўқ	йўқ
5	Исломов Шухрат Кадирович	“Ўздонмахсулот” АК инвестиция ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси	775 411	йўқ	йўқ
6	Илхомжонов Равшан Аманович	“Ўздонмахсулот” АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош иктисодчиси	775 411	йўқ	йўқ
7	Болхиев Зиёвиддин Ҳасанович	“Навоий прогрес сервис” МЧЖ иш юритувчиси		йўқ	йўқ
8	Қодиров Ойбек Тохирович	“Қизилтепа капитал қурилиш” МЧЖ директори	775411	йўқ	йўқ

**Таклиф этилган кун тартибидаги еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарafdдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	5 427 877 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан, 2021 йил учун “Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятини текширишдан ўтказган “Perfect Audit” МЧЖ ташқи аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчилари таништириб ўтилди (хулоса ва ҳисобот илова этилади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармонига асосан, 2016-2021 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва халқаро аудит стандартлари ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши белгиланган.

Муҳокамадан ва фикр мулоҳозалардан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги саккизинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси Ғ.Каршибоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатга ёлланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб, Шарипов Шерали Исроилович номзодини “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилиши юзасидан таклиф киритди. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга яъни, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузиш таклифини берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўққизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси Ғ.Каршибоев “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича директорининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитишни таклиф этди. Йиғилиш иштирокчиларига ҳисобот берилди ва муҳокама қилинган ҳисоботни овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ғ.Каршибоев “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг харидлар

жараёнидаги шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлиги бўйича ташқи аудит, яъни «BALANS INFORM AUDIT» МЧЖдан берилган хулосани йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этди.

Йиғилиш иштирокчиларига баён қилинган аудиторлик ташкилоти хулосаси муҳокамадан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн биринчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ғ.Каршибоев корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни баҳолаш бўйича хулосасини эшитишларини ва муносабат билдиришлари мумкинлигини билдирди.

Йиғилиш иштирокчиларига мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланган хулоса ўқиб эшиттирилиб, муҳокама қилингандан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн иккинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси О.Йўлдошев сўзга чиқиб акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашдан ўтказиш ва бу ишни амалга ошириш учун мустақил ташкилот жалб этилиши кераклигини билдирди.

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни қуйидаги ташкилотлар ўтказиши мумкин:

- фонд биржаси;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;
- штатида тегишли корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси аттестати бўлган аудиторлик ташкилотлари;
- аккредитациядан ўтган рейтинг агентликлари;
- корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази;
- хусусийлаштириш, рақобатни ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммолари тадқиқотлари маркази.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг қарори бўйича



танлов асосида ўтказилади.

Акциядорлик жамиятида ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари акциядорлик жамияти сайтида ушбу баҳолашни ўтказган ташкилот хулосаси билан биргаликда эълон қилинади.

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш йилига камида бир марта ўтказилиб, унинг натижалари билан жамият бошқарув органида улар номидан иштирок этаётган шахсларни мукофотлаш миқдорини аниқлаш ҳам назарда тутилади.

Юқоридаги талабларга риоя қилинган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш жамиятга мулкӣ муносабат орқали боғлиқ бўлмаган мустақил ташкилот билан тегишли шартнома асосида амалга оширилди.

“Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти 2021 йил якуни бўйича фаолияти бошқарилиши аудиторлик текширувидан ўтказган “BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ хулосасига асосан қониқарли деб топилган.

“Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлашни аудиторлик ташкилотининг берган хулосасига ҳамда моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандига асосан амалга ошириш таклифи билдирилди. Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн тўртинчи масалани овозга қўйди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	775 411 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

### **УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилган “Навоийдонмаҳсулотлари” АЖнинг бугунги умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркиби тасдиқлансин.

2. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорларининг бугунги умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ва регламенти тасдиқлансин.

3. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якунлари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин ҳамда жамиятнинг 2022 йилга белгиланган устувор вазифалари белгилаб қўйилсин.

4. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2021 йилда олиб борилган ишлари қониқарли деб топилсин ва фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

5. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин ҳамда жамиятнинг 9 млрд. 360 млн. 649 минг 533 сўм

51 тийин соф фойдаси куйидагича тақсимлансин.

2 фоизини – 187 млн 213 минг.сўмини меҳнат муҳофоза қилиш фондига йулнатирилсин;

68 фоизини– 6 млрд. 365 млн. 242 минг.сўмини ишлаб чиқариш ривожлантиришга йулналтирилсин;

30 фоизини – 2 млрд. 808 млн. 195 минг.сўмини дивиденд тўлашга йўналтириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди;

Ҳар бир имтиёзли акцияларнинг бир донаси учун 800 сўмдан жами 1 млн. 250 минг 400 сўм ҳамда ҳар бир оддий акциялар учун 3000,1768 сўмдан жами 2 млрд. 806 млн. 944 минг 413 сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилишини билдирди.

Дивидендлар 2022 йил 30 мартдан 2022 йил 30 майгача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимооти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси О.Йўлдошевга юклатилсин.

6. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари фаолияти бўйича ҳисоботи қониқарли деб топилсин, ҳамда ушбу комиссиянинг 2022 йил учун янги таркиби куйидагича тасдиқлансин.

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими
1	Нарзиллоев Убайдулло Равшанович	“Шарқ асфалт бетон қурилиш” МЧЖда ҳисобчи
2	Асадов Искандар Исмоилович	“Шарқ қурилиш сервис” МЧЖда ҳисобчиси
3	Камилов Аброр Анварович	“Ўздонмаҳсулот” АК бош мутахассис

Жамият тафтишчилари У.Нарзиллоев, И.Асадов, А.Камиловларга;

-жамият тафтишчиси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 107-моддаси ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширсин ҳамда ҳар чоракда ва йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот бериб борсин.

7. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари юқоридаги таркибда тасдиқлансин.

8. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якуни юзасидан эшитилган ташқи аудиторлик текшируви хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

9. Шарипов Шерали Исроилович билан кузатув кенгаши ўртасида акциядорларнинг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишига қадар “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг Бошқаруви раислигига меҳнат шартномаси тузилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 вгустдаги ПК-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2021 йил якуни бўйича “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг эшитилган ҳисоботи маъқуллансин.

11. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг харидлар жараёнидаги шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлиги бўйича ташқи аудит яъни «BALANS INFORM AUDIT» МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

12. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни баҳолаш юзасидан берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

13. “Навоийдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзолари жамиятнинг “Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандига асосан тақдирлансин.

*Баённома 2022 йил 30 март куни расмийлаштирилди.*

**Йиғилиш раиси**  
**Йиғилиш котиби**

**Ғ.Каршибоев**  
**Д.Хидиров**